

БУРЖ ВА МУЧАЛ



2017

**ЙИЛ УЧУН
МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 52-125
КБК: 86.42
И – 35

Бурж ва мучал (2017 йил учун мунажжимлар башорати)
/ Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Суннат Мусамедов. – Тош-
кент: Янги аср авлоди, 2016. – 128 б.

ISBN 978-9943-27-876-9

Ушбу китоб буржлар оламига қизиқувчи, юлдузларнинг инсон тақдири билан қанчалар боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини билишни истовчиларга олдинда уларни кутаётган воқеа-ҳодисаларнинг ривожига ҳақиқатда маълумот беради. Китоб аввалида 2017 йил ва унга берилган умумий таъриф билан танишасиз. Шундан сўнг эса туғилган ой, кунингиз қайси буржга тўғри келса, ана шунини ўқиб, ўзингизга керакли хулосаларни чиқариб олишингиз мумкин. Оила, иш, муҳаббат ва соғлигингизда нималарга эътибор бериш кераклиги, айниқса, сизга билинмайдиган, аммо ён-атрофингиздагиларга кафтдек кўринадиган феъл-атворингиздаги ортиқча жиҳатларни бартараф этиш ҳақида ўйлаб кўрасиз. Янги йилда сизни нималар кутаётганлигидан бохабар бўласиз.

УЎК: 52-125
КБК: 86.42

Тузувчи ва нашрга тайёрловчи:
Суннат МУСАМЕДОВ

ISBN 978-9943-27-876-9

© «Бурж ва мучал». «Янги аср авлоди». 2016 йил.

2017 ЙИЛ ТОВУҚ ЙИЛИ

Шарқ тақвимиға кўра Товуқ ёрқин лаҳзаларни акс эттирувчи, нафислик ва дилкашлик белгисидир. Бу йилда туғилганлар анчайин иззатталаб ва мақтовлардан тезда руҳланувчи бўлишади. Иккинчи жинс вакиллари унинг жозибаси ва мафтункорлигига бардош беролмай тўлиқ бўйсунадилар. Кўпчилик бундай фидойилик билан мақтана олмайди. У камдан-кам ҳоллардагина кимгадир нисбатан ёрқин қизиқиш намоён қилиши мумкин. У ўз туйғуларини ошкор қилишни ёқтирмайди. Чунки унинг учун энг суюкли одам унинг ўзидир. Шундай бағритош бўлишига қарамай, муҳаббат бобида ва бизнес соҳасида анча омаддидир.

Ўткир ақли, мушоҳадалилиги, зеҳнлилиги ва жозибадорлиги сабабли у муҳим шартномаларни осонгина имзолайди. Энг гўзал аёллар ва чиройли эркаклар билан танишади. Улар ўз фикрларини охиригача ҳимоя қиладилар. Тежамкорликлари ва амалиётга мойилликлари билан ажралиб турадилар. Бу йилда туғилганлар ўта кузатувчан ва топқир бўладилар. Кимдир уларни чув туширмоқчи бўлса адашади. Чунки улар ҳар бир майда-чуйдани ҳам эътибордан қочирмайди. Бундай кишилар ўзларига доим ишонишлари учун уларни мақтов ва ҳайратлар билан рағбатлантириб туриш керак.

Товуқ йилида туғилганларнинг феъл-атвори ҳақида нима дейиш мумкин? Улар буйруқ беришни яхши кўради, сал нарсага жаҳди чиқиб, «лов» этиб ёнидаги одамнинг кўзига тик қараб, у ҳақидаги фикрларини очиқ айтади. Баъзида бу хислати уларга зарар келтирса ҳам, ўз феълларини ўзгартира олмайдилар. Оила соҳасига келганда эса Товуқ йилида туғилганлар камдан-кам ҳолларда мустаҳкам оила қурадилар. Ўз ҳаётини бошқа кишига бағишлай олмайдилар. Фақат иккинчи томоннинг муҳаббатини қабул қила оладилар, холос. Бундай аҳвол кўпинча муносабатларнинг узилиши ва ажралишга олиб келади.

БИЗНИ НИМАЛАР КУТМОҚДА?..

Мазкур йилда туғилган эҳтиросли ва ҳис-туйғуга берилувчан, ҳаракат ва яна ҳаракат қилишдан тинмайдиган инсонларни 2017 йил ўзининг ёрқин ва эсдақоларли лаҳзалари билан сийлайди. Ўтган йилда бўлганидек, янги йилда ҳам уларни турли мароқли ва кўнгилочар учрашувлар, иш юзасидан бўладиган саёҳатлар кутмоқда. Кунларнинг нечоғлик сермазмун ўтиши фақат ва фақат уларнинг ўзларигагина боғлиқдир. Энг муҳими, улар ўзларидаги жозиба, эркпарварлик, кучли ҳис-туйғуларни йўқотмасалар кифоя. Агар энг олий сифатларини янада ривожлантирсалар, ўзларини ҳар доимгидан-да аълороқ тутсалар, катта-катта давраларда бошқаларга ўрнак намуналарини кўрсатсалар, ўйлаган мақсадларига етишиш қийин кечмайди. 2017 йил Товуқ йилида туғилганлар учун иш ва мансаб пиллапояларидан кўтарилиш учун аини муддаодир. Ай-

тиш керакки, энди бошлиқларнинг ҳам уларга ишончи нисбатан ортиб боради. Эришиладиган ҳар бир ютуққа тақдирнинг туҳфаси эмас, ҳаракатларнинг маҳсули деб қараш ҳам фойдадан холи эмас. Эсингизда бўлса, сиз ўтган йили ўзингизнинг ишдаги ўрнингизни мустаҳкамлаш учун анчагина тер тўккан эдингиз. Ҳар қандай мураккаб вазиятга қарамай, бор имконият ва иқтидорингизни ишга сарфлагандингиз. Энди ишонаверинг, ана шу ҳаракатлар ўзининг хайрли меваларини беради.

Товуқ йилида туғилган инсонлар ўзларидаги бебаҳо сифатлари билан бошқалардан ажралиб турадилар. Улар табиатан меҳнаткаш, чўрткесар, ушлаганини қўйвормайдиган, билдирилган ишончга ижобий жавоб қайтарадиган, ўз ўрнида эса меҳрибонлик ва серҳимматликда ҳам улардан ўтадиганини топиш қийин. Бу сифатлар уларни қанчалик безаса, ўзларига ҳам бир оз эътиборлироқ бўлишлари кераклигини уқтириб қўйиш жоиз. Негаки, ҳамма нарсанинг ҳам ўз вақти ва пайти бўлади. Нимагадир эришишим керак, деб бўлар-бўлмасга жон куйдиравериш ҳам вақти келиб самарасиз ҳаракатга айланиши мумкин. Иш, ўқиш ўз йўлига, бироқ вақти-вақтида дам олиш кераклигини ҳам унутмасалар кифоя. Айниқса, бирор иш кутилганидек бўлмаса ёки умуман битмаса, бунга дарров кайфиятни тушириш шарт эмас. Аксинча, унинг ечимини излаш керак. Ахир ҳаддан ташқари ҳис-туйғуларга берилиш ёки таъсирланиш ҳам ярамайди. Унутманг, ҳамма нарсанинг ўз вақти бўлади.

Ҳаётнинг турфа синовларига ўзларининг меҳтин иродаси билан бардош бера оладиган Товуқ

йилида туғилганлар оддий хатоликлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган катта нохуш ҳолатларнинг олдини олсалар фойдадан холи бўлмасди. Тўғри, уларга жаҳлингизни чиқарманг, асабийлашманг, бир оз босиқроқ бўлинг дейишнинг ўзи аҳмоқона гап, аммо қайсидир вазиятларда мана шу тенденцияга амал қилсалар фойдалидир. Феълени кенг қила бошлаши билан уларга ўз-ўзидан ишдаги, молиявий ҳаётдаги муваффақиятлар ёндаша бошлайди. Кутилмаган муваффақиятли учрашувлар молиявий бозордаги ўрнингизни янада мустаҳкамлаш учун замин бўлади. Фақат шуни унутмаслик керакки, «ичимдагини топ» ёки «мени кашф эт» дейиш бу пайтда айниқса яхшигина молиявий шериклар билан бўладиган алоқалардан кутиладиган ижобий натижаларни йўққа чиқариши мумкин. Ҳар қандай ифво, орқаваротдан айтиладиган миш-мишлардан сақланиш керак. Тўғрироғи, ён-атрофдаги майда-чуйда гапларга умуман эътибор қаратмаслик лозим. Чунки катта ишлар олдида майда ишларга ўрин қолмайди.

2017 йилда Товуқ йилида туғилганлар ўзларининг шахсий ҳаётлари ҳақида ҳам жиддийроқ ўйлашлари керак. Севги ва муҳаббат бобидаги ҳаракатлар бесамар кетмайди. Ўз жуфтингизни топиш учун кўплаб қулай фурсатлар келади. Балки кимнингдир севгиси сизга ўзгаришингизни таклиф қилар. Аммо шу каби кутилмаган савол ва таклифлардан эсанкираб қолманг. Ҳаммаси яхшиликка. Сизга кимдир тўғри йўлни кўрсатаётган бўлса уни ранжитманг. Фақат сўзларини тингланг, холос. Хулоса чиқариш ўзингиздан. Севги ва садоқат деган тушунчаларга ҳам дуч келиб қолишингиз мумкин. Гарчи бу сизга нота-

ниш бўлса ҳам. Севиш, севилиш қанчалар тотли туйғу эканлигини дилдан ҳис қилишингиз учун сизнинг иккинчи ярмингиз кўпдан-кўп имкониятлар яратиши мумкин. Озгина эътиборлироқ бўлинг. Ён-верингизга жиддийроқ қаранг. Ҳар бир эътибор берилмаган лаҳзалар балки сизни муносиб жуфтингиздан узоқлаштирар. Шу сабаб ўзингизга нисбатан муҳаббат бобида сал талабчанроқ бўлинг. Алданиб қолишим мумкин-ку, деган фикрларни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Сизни ҳеч ким алдамайди. Сиз ҳам бировни алдамайсиз. Мана шуниси ҳақиқат.

2017 йил сиз учун бошқаларидан кўра анчайин сермаҳсул келади. Ишдаги муваффақиятларингиз сизни албатта келажакдаги молиявий ютуқлар сари бошлайди. Керак бўлса, тўкис ҳаётни кафолатлайди. Унутманг, бугун сизнинг қиладиган ҳар бир ҳаракатларингиз бу келажакдаги ҳаётингизни белгилайди. Шунинг учун сермулоҳаза ва омилкор бўлишга ҳаракат қилинг. Одамлардан айб қидирманг, аксинча, уларнинг ютуқларини кўра олинг. Муҳим вазифаларни амалга ошираётганда етти ўлчаб, бир кесинг. Шошқалоқликдан фойда йўқ. Иш борасида муҳим шериклар билан учрашувларни имкон қадар ҳафтанинг охирига белгиласангиз, улар билан самимий суҳбатларни олиб борсангиз, ўйлаган режаларингиз амалга ошади.

ҚАНДАЙ ДЎСТАЛИШ МУМКИН?..

Янги йилдаги орзу-истаклар рўёби ҳақидаги фикрлар ҳис-туйғуга берилувчан, эҳтиросли кишиларнинг хаёлидан нари кетмайди. Шоҳона дастурхонлар, катта ва дабдабали кечалар-

да қатнашиш учун таклифлар билан мурожаат қилувчилар сони ҳам кўпаяди. Балки булар бадавлат ва муносиб шериклар бўлиши ҳам мумкин. Шундай экан, ўзингизни ҳамкорлардан сира кам тутмаган ҳолда, имкон қадар кийиниш борасида уқувлироқ бўлишга ҳаракат қилинг. Замонавий, аммо миллийликдан йироқ бўлмаган, мисол учун атлас, адрас матоларидан замонавий услубда тикилган маросим кўйлақларини тавсия қиламиз. Яна бир мисол, агар сиз европача услубда кийинишни ихтиёр қилсангиз, у ҳола қизил, сариқ ва тўқ сариқ рангдаги костюмлар жозоба бахш этиши шубҳасиз. Катта тадбирларга мўлжалланган кийимларингизнинг ранги ва бичимига алоҳида эътибор беринг. Худди кинодаги сингари «бўлаверади» деган сўзни асло тилга олманг. Ўзингизга нисбатан сал талабчанроқ бўлинг. Унутманг, қадимда айтилганидек, кийимингизга қараб кутиб олишади, одобингизга қараб кузатишади. Бу ҳам ҲАҚИҚАТ. Аксессуарлар борасида ҳам бир оз дидлироқ бўлинг. Иложи бўлса, эътиборни ўзига қаратмайдиган, аммо антиқа тақинчоқларни тақишга ҳаракат қилинг. Албатта, у қимматбаҳо ёки тилладан бўлиши керак десангиз хато қиласиз. Унинг антиқалилиги қимматбаҳолигини белгилаши мумкин.

ЯНГИ ЙИЛНИ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛИШ КЕРАК?..

Янги йил дастурхони атрофида энг яқин қариндош, дўст-ёрларингизнинг бўлиши сиз учун қизиқарлироқ кечади. Бу байрамга кўпдан бери тайёргарлик кўргансиз, шундайми?

Демак, келиши кутилаётган меҳмонларнинг ҳар бирига ҳам совғаларни тахт қилиб қўйишни унутмаслигингиз керак. Токи улар сизнинг уйингиздан янги йил совғаларини кўзларида севинч билан олиб кетсинлар. Совғанинг нархига эмас, меҳмонингизга қанчалар ёқишига аҳамият беринг. Ранги эса совға эгасининг эътиборини тортиши шарт.



ҚҰЙ

(21.03. – 20.04.)

ҚҰЙ БУРЖИДА ТУҒИЛГАНЛАР ҲАҚИДА

Ёқтирадиган ранглари: тўқ қизил ва мовий.

Йўлдошлари: Марс ва Қуёш.

Омадли кунлари: сешанба ва якшанба.

Омадсиз кунлари: жума ва шанба.

Мос жуфтлари: Бузоқ, Эгизаклар, Қовға, Балиқ.

Тўғри келмайдиган жуфтлари: Қисқич-бақа, Тарози, Тоғ эчкиси.

Ёқтирадиган гули: бинафша.

Омадли рақамлари: 4, 7, 9, 11.

Феъл-атворидаги ижобий томонлар: қатъий тамойилларга амал қилувчи, олижаноб, ҳимматли, таъсирчан, мустақил, фавқулодда сезгир ва зийрак одам.

Феъл-атворидаги салбий томонлар: Қўй буржи вакиллари одатда шафқатсиз, талабчан, бир оз ўзига бино қўйган, жамоа орасида етакчиликка интилувчи, ўйламай фикрловчи ва такаббур кишилардир.

Мазкур бурж вакиллари учун мос келадиган касблар ва машғулотлар: директор ёки продюсер, сотувчи, актёр, ҳарбий хизматчи, адвокат, меъмор, журналист, ёзувчи, рассом.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4183> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4183> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4183>